

N 13
(1447)
2023 YIL
6 APREL

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



Т.релo'zbekistondasog'liqlisaglash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

САЛОМАТЛИК САЙЛЛАРИ ОЙЛИГИ

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ!

Мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги фаолиятларнинг инсон саломатлиги ва унинг қадрига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Айти кунларда юртимизда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан "Саломатлик сайллари ойлиги" тадбири ўз фаолиятини қизғинлик билан олиб бормоқда.



Маъмур тадбирнинг асосий мақсад ва вазифалари тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов куйидаги фикрларни билдириб ўтди. Аввало, таъкидлашим муҳимки, 4 мингга яқин эҳтиёжманд беморларда мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Президентимиз топшириғи асосида оғир касалликларга чалинган минглаб беморларда мураккаб операцияларни ўтказиш учун қарийб 90 миллиард сўм ажратилди. Қисқа даврда бажариладиган бу қадар кенг кўламли жаррохлик амалиётлари орқали кимлар ўз саломатлигини тиклаш имконига эга бўлади? Муолажалар қайси тиббиёт муассасаларида бажарилади? Нега бу эзгу ташаббус бир йўла катталар ва болаларни қамраб олмақда? Гап шундаки, юқори технологик амалиётларнинг сарфлов воситалари нархи бутун дунёда қиммат. Қолаверса,

Давоми 4 - бетда▶

ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ

ИЛК МАРОТАБА ЁШ БОЛА УМУРТҚА ПОҒОНАСИДА МУРАККАБ ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Республикамызда 1 ёшу 4 ойлик боланинг умуртқа поғонасидаги ортиқча ярим тана умуртқаси олиб ташланди

Кейинги йилларда Ўзбекистон тиббиётининг дунёхамжамиятидан алоҳида ўрин ва эътирофга муносиб бўлаётганлиги албатта, қувонарли ҳолдир. Айтиқса, маълакали тиббиёт ходимларимизнинг маҳорат, тажриба ва амалиёт борасидаги ютуқлари мамлакатимиз тиббиётининг янада нуфузини ошириб, соҳа ривожини учун муҳим пойдевор бўлаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Давоми 2 - бетда▶



ЖОРИЙ ЙИЛ 13-14 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ПОЙ-ТАХТИМИЗДАГИ НИЛТОН МЕҲМОНХОНА-СИДА ЎЗБЕКISTON-ҲИНДИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАЛҚАРО ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ



Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республикамыздаги барча ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббий олий таълим муассасалари ва ҳудудий тиббиёт масканлари, шунингдек, Ҳиндистоннинг соғлиқни сақлаш соҳаси масъуллари, нуфузли хусусий тиббиёт марказлари ҳамда йирик фармацевтик корхоналар раҳбарлари иштирок этади.

Халқаро форумда мамлакатлараро тиббий ҳамкорликни кенгайтириш, соҳани рақамлаштириш, тиббий туризмни ривожлантириш каби қатор масалалар муҳокама этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

Самарқанд Давлат тиббиёт университети битирувчиларининг II Форуми ўтказилди



Хурматли ҳамкасблар, Самарқанд давлат тиббиёт университети битирувчилари!


5-6 май кунлари Самарқанд Давлат тиббиёт университети битирувчиларининг II Форуми ўтказилди (расмий тадбирлар 6 май кунини режалаштирилган). Ташкилотчилар Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳамда Самарқанд Давлат тиббиёт институти битирувчилари Ассоциацияси (собиқ Самарқанд Давлат тиббиёт институти). Форум доирасида Ўзбекистон, яқин ва узоқ хорижда истиқомат қилаётган турли йиллардаги битирувчиларни учрашуви режалаштирилган. Форумда иштирок этиш Сизга устозларингиз, ҳамкасбларингиз билан учрашиш, касбий ва ҳаётий муваффақиятлар билан ўртоқлашиш имкониятини беради. Форумдаги илқ ва дўстона муҳит барча иштирокчилар учун мулоқот қилиш, ижодкорлик ва касбий ривожланиш имкониятларини яратади.

Форумда иштирок этиш истагида бўлганлар битирувчилар Ассоциациясига телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин: +998973994435 - Ахмедова Азиза.

Бугунги сонда:



"СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ СТИПЕНДИЯСИ" ҒОЛИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ 2



ТИББИЁТНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЭРИШИШДИР 5



ГАСТРИТ У ДЕТЕЙ 7

ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ

ИЛК МАРОТАБА ЁШ БОЛА УМУРТҚА ПОҒОНАСИДА
МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Республикамизда 1 ёшу 4 ойлик боланинг умуртқа поғонасидаги ортиқча ярим тана умуртқаси олиб ташланди

← Давоми. Боши 1 - бетда


Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида илк мартаба 1 ёшу 4 ойлик боланинг умуртқа поғонасида ўтказилган мураккаб жарроҳлик амалиёти юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин ифодасидир. Ушбу ноёб жарроҳлик амалиёти (ортиқча ярим тана умуртқаси олиб ташлаш) марказнинг малакали шифокорлари ҳамда Москва шаҳридаги Н. Пирогов номидаги Россия илмий-амалий тиббиёт Университети профессори тиббиёт фанлари доктори С. Рябых билан ҳамкорликда муваффақиятли амалга оширилди.

– Бемор боламиз Муҳаммадусмон Ибрагимов Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида таваллуд топган. Онасининг фикрига кўра, Муҳаммадусмон туғилганида ортопедлар томонидан умуртқа поғонасида туғма аномалия (нуқсон) борлиги аниқланган. Оила аъзоларининг таъкидлашича фарзандида умуртқа поғонаси кўкрак-бел қисми соҳасида қийшиқликка, чап томонда кўкрак қасасининг бўртиб чиқиб қолиши натижасида унда безовталик бўлган. Шу пайтгача бемор боламиз яшаш жойида доимий ортопед назоратида бўлган ва керакли муолажаларни олган. Муҳаммадусмоннинг саломатлигида ўзгариш бўлмаган ота-онаси б марказимизга мурожаат қилишди. Бемор керакли лаборатор ва инструментал текширувлардан ўтказилди.




Барча текширув ўтказилгач, беморга умуртқа поғонаси туғма ривожланиш аномалияси, умуртқа поғонаси кўкрак-бел қисми туғма сколиоз, кўкрак ва бел қисми шаклланишининг бузилиши, чап томонлама VThX ярим умуртқаси ташхиси қўйилди. Жорий йилнинг 4 апрель кунини Москва шаҳридаги Н. Пирогов номидаги Россия илмий-амалий тиббиёт Университети профессори тиббиёт фанлари доктори С. Рябых билан ҳамкорликда Муҳаммадусмонда VTh 12 ярим умуртқани олиш, сколиотик деформациясини коррекциялаш ва эндокорректор билан стабилизация қилиш операцияси муваффақиятли амалга оширилди. Бу ўтказилган амалиётдан кейин

беморнинг умумий аҳволи ўтказилган жарроҳлик муолажасига мос равишда қониқарли ҳолатда. Асосий натижа шуки, Муҳаммадусмон туғма сколиоз касаллигидан фориғ бўлишга эришди. Илгарилари бундай жарроҳлик муолажалари беморлар балоғат ёшида бажарилар эди, бу даврда бутун умуртқа поғонасида огир сколиотик деформация юзага келиб, жуда қатъи жарроҳлик амалиёти ўтказилишига ва бундан ташқари беморнинг кўкрак қасаси органларида иккиламчи ўзгаришларга сабаб бўлиб, кўпинча беморлар ногирон бўлиб қолар эди. Бу амалиёт болаларнинг эрта ёшида ўтказилиши юқорида тилга олин-



Операциядан олдинги рентген



Операциядан кейинги рентген

ган асоратлар ҳамда туғма ногиронликнинг олди олинишига эришилади – дейди Республика ихтисослаштирилган травматология ва

ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Муроджон Ирисметов.

Ибодат СОАТОВА.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ
СТИПЕНДИЯСИ” ҒОЛИБЛАРИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи билан тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичида тахсил олаётган 11 нафар талаба 2022/2023 ўқув йили учун “Соғлиқни сақлаш вазирининг стипендияси” соҳибига айланди.

Айтиш керак, бу йил танловда кўплаб талаба йигит-қизлар иштирок этиб, улар орасидан энг муносиблари номзодликка тавсия этилди.

Улар қуйидагилар:
Турсунбаева Диёра Бахтиёр кизи — Тошкент тиббиёт

академияси 1-сон Даволаш факультети 6-босқич талабаси;

Асрорхожаева Ирода Рустамхўжа кизи — Тошкент тиббиёт академияси Тиббий педагогика факультети 6-босқич талабаси;

Хамидова Дилафруз Бахтиёр кизи — Тошкент тиббиёт

академияси 1-сон Даволаш факультети 6-босқич талабаси;

Нурмухамедова Диёрахон Мухаммад Гамал кизи — Тошкент педиатрия институти 2-Педиатрия ва тиббий биология факультети 6-босқич талабаси;

Бакаева Насиба Алишеровна — Бухоро давлат тиббиёт институти Стоматология факультети 5-босқич талабаси;
Жунаидов Амир Хакимжон ўғли — Бухоро давлат тиббиёт институти Даволаш факультети 6-босқич талабаси;



Бобожонов Хуршид Жуманиёзович

– Бухоро давлат тиббиёт институти Педиатрия факультети 6-босқич талабаси;
Махаммажонов Жавоҳир Дилмурод ўғли — Андижон давлат тиббиёт институти Даволаш факультети 6-босқич талабаси;

Ҳабибуллаев Жавоҳир Муҳибилло ўғли — Андижон давлат тиббиёт институти Даволаш факультети 6-босқич талабаси;
Йўлдошев Жавоҳир Иқ-

болжон ўғли — Андижон давлат тиббиёт институти Даволаш факультети 6-босқич талабаси;

Муқимжон Мухаммадқарим Муроджон ўғли — Андижон давлат тиббиёт институти Даволаш факультети 6-босқич талабаси.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, “Соғлиқни сақлаш вазирининг стипендияси” ҳар бир тиббиёт олий таълим муассасасининг бакалаврият ва магистратура босқичида тахсил олаётган 5 нафаргача номзодга бир йил мобайнида ажратилади. Стипендия миқдори Ибн Сино номидаги давлат стипендияси миқдорига тенглаштирилган.

@ssvuz.

САЛОМАТЛИК САЙЛЛАРИ ОЙЛИГИ

Бугун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси референдумга қизгин тайёргарлик кетаётган бир пайтда унга ҳамоҳанг тарзда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан юртимиз бўйлаб "Саломатлик сайиллари" ойлиги тадбирининг олиб борилаётганлиги ҳам албатта, қувонарли ҳолдир.

Бир сўз билан айтганда бу нуфузли даражадаги тадбирлар замирида инсон кадр-қиммати, саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги мужассам эканлигини кўраимиз. Вазирлигимиз ташаббуси билан ташкил этилган саломатлик сайли тадбирини ўтказиш мақсадида Сирдарё вилоятига пойтахтимизнинг нуфузли клиникаларидан малакали мутахассисларимиз билан ташриф буюрдик. Аввало, саломатлик тадбири Сирдарё вилоятида ҳам бошланиб, дастлаб, бу борадаги тадбир Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада ўтказилди. Ишчи гуруҳимиздаги республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг малакали ва етакчи мутахассислари сирдарёлик тиббиёт ходимлар ва USAID-нинг Марказий Осиёда сил касаллигини тугатиш бўйича лойиҳасининг мултидисциплинар гуруҳи билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида ис-

ҲАМОҲАНГ ТАРЗДАГИ МУҲИМ ТАДБИРЛАР

Сирдарёда "Саломатлик сайиллари ойлиги" тадбири ўтказилмоқда



тикомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, сурункали касаллиги бор беморларни муаммоларини ўргандик. Тадбир доирасида ташкил этилган тиббий кўрик жараёнларида 1-18 ёшгача бўлган болалар, 18-40 ёшгача бўлган фуқаролар, 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган фертил ёшдаги

аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилган бўлса, 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда гельминтоз, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар онкогематологик, 40 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар юқумли бўлмаган, 35 ёшдан катта аёлларда онкологик касалликларни

эрта босқичларда аниқлаш ва уларга профилактик ёрдам кўрсатиш мақсадида скрининг кўриклар олиб борилди. Гулистонда ташкил этилган тиббий кўрик, скрининг тадбирларига шаҳар ҳудудида истикомат қилаётган 1351 нафар аҳоли вакиллари иштирок этиб, уларнинг 1011 нафари

рида стационар шaroитда даволаниш учун тавсиялар берилиб, даволаш профилактика муассасаларига ётқизиш чоралари кўрилиб, 12 нафар фуқарода Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг малакали ва етакчи ходимлари сирдарёлик

ўтмоқчи бўлганларни тадбирда фаоллик билан иштирок этишларини кутиб қоламиз – дейди, Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Наргиза Парниева.

БУНДАЙ ЭЪТИБОРДАН АҲОЛИ МАМНУН

"Саломатлик сайиллари" ойлиги доирасидаги тадбир Сурхондарёда ҳам давом этмоқда. Акция доирасида тадбир Бойсун туманида ҳам бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздан ташриф буюрган йигирмадан ортик мутахассислик бўйича республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг малакали шифокорлари, шунингдек, вилоят тиббиёт муассасаларининг етук мутахассислари ва тумандаги тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Мазкур тадбирда 100 га яқин аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, жумладан, эндокрин касалликлари бўлган беморларга малакали амбулатор тавсиялар берилди. Шунингдек, ушбу тадбирда фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан бир каторда кўргазмалар воситалар ёрдамида саломатлик бурчақлари ташкил этилиб, аҳоли учун зарарли ва фойдали маҳсулотлар ҳақида тушунчалар бериб ўтилди. Биргина эндокринология, балки тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича соҳа мутахассислари аҳолини тиббий текширувлардан ўтказиб, керакли тавсия ва маслаҳатларини беришди. Шу билан бирга давога муҳтож беморлар амбулатор ва стационар даволашларга йўлланди – дейди, Академик Ё. Туракулов



номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази профессори Феруза Ҳайдарова. Давоми 4 - 5 - бетларда →

САЛОМАТЛИК САЙЛЛАРИ ОЙЛИГИ

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ!



← Давоми. Боши 1-3 бетларда

лий тиббиёт маркази, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Урганч филиалида олиб борилмоқда.

Иккинчи гуруҳга мансуб беморлар – катталар. Уларда



бундай мураккаб операцияларни барча тиббиёт муассасаларида бажариш имконсиз. Масалан, сон суяги, елка, тизза бўғимларининг емирилиши билан боғлиқ хасталикларни даволашда қўлланиладиган эндопротез мосламалари баҳоси мамлакатимизда ўртача 18-20 миллион сўмга тенг. Бундай шароитда эҳтиёжманд инсонларнинг муаммолари янада ортиши табиий. Оқибатда вақт ўтиши билан хасталик зўрайиб, беморнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Кечикиб қилинган муолажалар эса ҳар доим қутилган натижани беравермайди. Шу сабабли мамлакатимиз раҳбари оғир хасталиклардан азият чекаётган юртдошларимизда давлат ҳисобидан юқори технологик жарроҳлик операцияларини ўтказиш топшириғини берди. Акция доирасида соғломлаштириладиган беморлар икки тоифага ажратилган.

Биринчи гуруҳ - туғма



юррак нуқсонидан азият чекаётган болалар. Уларнинг сони - 2 минг нафар. Барчаси ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандлари. Ана шу ўғил-қизлар жами 64 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига навбатсиз, имтиёзли йўлланмасиз, энг маҳалли шифокорлар томонидан юқори технологик операциялар орқали оғир дардан халос этилади. Жарроҳлик амалиётлари Болалар мил-

бажариладиган тезкор операциялар учун давлат 22 миллиард сўм ажратди. Беморлар рўйхати тегишли ишчи гуруҳ, жойлардаги Халқ қабулхоналари, маҳалла фаоллари иштирокида, хонадонма-хонадон ўрганишлар натижасида адолатли равишда шакллантирилди. Бу тоифага имтиёзли йўлланмага эга беморлар киритилмади! Негаки, уларнинг даволаниш сарф-харажатлари шундоқ ҳам давлат томонидан



қопланади. Муолажалар даври, тиббиёт муассасалари белгилаб қўйилган. Демак, уларни соғломлаштиришда муаммолар юзага келмайди! Ҳозир акция доирасида моддий имконияти чекланган беморларда эндопротезлаш, кардиохирургик, урологик, эндокринологик ва ички аъзоларни кўчириб ўтказиш каби ноёб ва мураккаб операциялар ўтказиш давом этмоқда.

Албатта, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов-

нинг юқорида билдириб ўтган фикрлари айтилган пайтда мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Саломатлик сайллари ойлиги”да пойтахтимизнинг нуфузли клиникаларидан ташриф буюрган маҳалли тиббиёт ходимлари ҳамда маҳаллий шифокорлар томонидан аҳоли орасида тадбирдан кўзланган мақсад ва вазифалар кўтарники руҳда амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда халқимиз бундай эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлмоқда.

АМАЛИЁТЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА...

Бугун мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган Саломатлик сайллари акцияси ойлиги юртимиз аҳлини ниҳоятда мамнун этмоқда.



Ушбу тадбирни мақсад ва вазифаларини самарали амалга ошириш учун Андижон вилоятига Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиб-

бий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Республика ишчи гуруҳ бошлиғи Баҳром Аляви бошчилигида пойтахтимизнинг нуфузли кли-



никаларидан бир гуруҳ маҳалли мутахассислар ташриф буюришди. Улар тадбир доирасида вилоят аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишди. Бундан ташқари, режа асосида гуруҳ аъзолари тиббиёт муассасаларида бўлиб, даволанувчилар холидан хабар олишди ва шифо масканидаги имкониятлар билан танишишди. Бунинг баробарида Республика ихтисослаштирилган онкология ва ра-

диология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон вилоят филиалига ташриф буюришди. Ташриф давомида марказнинг радиотерапия ва паллиатив бўлимида даволанувчилар кўриғи ўтказилди. Х. Исламов томонидан марказда даволанаётган 91 нафар беморлар кўриқдан ўтказилиб уларга консултациялар берилди ва 2 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Албатта, бундай эзгу мақсадлар инсон саломатлигига қаратилган-

лиги билан аҳамиятлидир.

Шундай экан, бу каби кенг ва оммавий доирадаги тадбирларнинг ташкил этилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссалари ниҳоятда каттадир. Уларнинг эътибор ва ғамхўрликлари инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлиги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлиги ўз исботини топмоқда.

САЛОМАТЛИК САЙЛЛАРИ ОЙЛИГИ

Таъкидлашим муҳимки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юртимиз бўйлаб саломатлик сайллари ойлиги қизғин давом этмоқда. Ушбу акция Навоий вилоятида ҳам кўтаринки кайфиятда давом этмоқда.

Тадбирнинг илк куни вилоят марказидаги "Илм-маърифат" боғида ташкил этилган сайёр тиббий кўрикларга Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда вилоятдаги даволаш-профилактика муассасаларининг етакчи мутахассислари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар. Унда Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи аҳоли кенг камраб олинди. Бу ерда 400 нафардан зиёд эҳтижманд фуқаролар тиббий текширувлардан ўтказилиб, 200 нафардан ортиғига амбулатор муолажалар тавсия этилди, 20 нафарига стационар даволаниш учун йўлланма берилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинди. Бунинг баробарида, тадбирнинг иккинчи кунинда Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида Саломатлик акцияси доирасида пойтахтлик ва маҳаллий мутахассисларимиз томонидан тизза бўғимида олдинги бутсимон боғламни

ва медиал менискни тиклаш операцияси ўтказилди - дейди, Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт мар-

Ушбу акциянинг вилоятдаги навбатлаги манзили Навоий вилоятининг Кармана туман 1-сон оилавий поликлиникаси бўлди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳамда вилоят даволаш профилактика муассасаларининг тажрибали мутахассислари томонидан туман аҳолиси учун тиббий-кўрик бўлиб ўтди. Акция доирасида 730 нафар-



ТИББИЁТНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЭРИШИШДИР



кази директори, профессор Муроджон Ирисметов.

дан ортиқ фуқаролар тиббий кўрик ўтказилди. Шундан

301 нафарига турли касалликлар аниқланиб, 238 на-

фарига амбулатор даво муолажалари буюрилган бўлса, 51 нафар фуқарога стационар шароитда шаҳар ва вилоят даволаш профилактика муассасаларида даволаниш учун йўлланма берилди. 12 нафар фуқарода эса юқори технологик жарроҳлик амалиётни ўтказиш белгилаб олинди. Худудда ушбу хайрли ишдан сўнг қайсидир хонадонга қувонч кирса, моддий қийинчиликларни ўйлаб боши қотган оиланинг мушқули осон бўлса, қайсидир нуроний ўзи ҳақида қайғурадиган инсонлар ҳаққига дуо қилса, ҳаётдан умиди сўнаётган қайсидир беморда яшашга умид уйғота олсагина, бундай тиббий қабуллар ўзини тўлақонли оқлайди - дейди, Кармана туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Исомиддин Нодиров.

ТИББИЁТ ИСЛОҲОТЛАРИ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси ва буйруғи асосида Республикаміз ҳудудларида Саломатлик сайллари изчиллик билан олиб борилмоқда.



Албатта, бундай эзгу мақсадлар аҳоли орасида касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришдан иборат. Ҳар бир ҳудудга Республика миқёсидаги тиббиёт марказларининг етук мутахас-

сислари бириктирилди. Жумладан, Қашқадарё вилоятига Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, ишчи гуруҳ раҳбари Хуршид Фозилов бошчилигидаги мутахассислар ташриф буюрди.

- Тадбирнинг биринчи кунинда Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида малакали мутахассислари-

миз ва маҳаллий тиббиёт ходимлари томонидан аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга зарур тавсиялар берилди, айримлари эса даволанишга йўналтирилди. Шунингдек, тадбир доирасида пойтахтимиздан ташриф буюрган соҳа мутахассислари ўз йўналишлари бўйича шифо масканларида бўлиб, даво муолажалари олаётган беморлар ҳолидан хабар олишиб, керакли тавсия ва кўрсатмалар бериб ўтишди. Бунинг баробарида Саломатлик сайли акциясининг мақсад ва моҳиятидан ке-

либ чиққан ҳолда вилоятнинг тиббиёт муассасаларида малакали мутахассислари томонидан мураккаб операция жараёнлари амалга ошириб келинмоқда. Айни дақиқаларда туманлар кесимида тадбиримиз давом этмоқда, албатта, бу эзгуликлардан кўзланган асосий мақсад тиббиёт ислоҳотлари инсон қадрини учун - дейди, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, ишчи гуруҳ раҳбари, профессор Хуршид Фозилов.

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

Гастрит – воспалительное заболевание, охватывающее слизистую оболочку желудка и приводящее к ее функциональным изменениям. Оно встречается у 50% взрослого населения и у 30–40% детей. Пик заболеваемости в детском возрасте приходится на подростковый период 11–15 лет. В этой статье поговорим о гастрите у детей – симптомах и лечении этой болезни, способах ее диагностики и профилактики.

ВИДЫ ГАСТРИТА

В зависимости от того, какая часть желудка поражена, выделяют 3 вида гастрита:

антральный – воспаление охватывает выводящую, или нижнюю, часть желудка;

гастрит тела желудка – поражается верхняя и средняя части органа;

мультифокальный – воспалительный процесс охватывает оболочку всего органа.

Иногда воспаление затрагивает не только желудок, но и другие органы. Обычно – двенадцатиперстную кишку, воспалительное заболевание которой называют дуоденитом. Если воспаляются одновременно желудок и 12-перстная кишка, то говорят о развитии гастродуоденита.

По течению заболевания классифицируют на 2 формы:

Острый гастрит – быстро протекающее воспаление с ярко выраженными симптомами. При правильном лечении функции желудка обычно полностью восстанавливаются.

Хронический гастрит – длительно текущее воспалительное заболевание. У него выделяют периоды обострения (когда симптомы выражены максимально ярко) и ремиссии (в это время симптоматика угасает). При хроническом течении возникают функциональные изменения в слизистой желудка.

По характеру поражения желудка острый гастрит бывает:

Катаральным. Поражается поверхностный слой оболочки, который краснеет и отекает, но не повреждается.

Фибринозный. На поверхности слизистой формируется фибриновая оболочка, которая указывает на тяжелое течение болезни.

Флегмонозный. Воспаление сопровождается образованием гноя.

Коррозийный. Воспаленные участки оболочки отмирают (начинается некроз слизистой).

Острый гастрит у детей чаще всего протекает в катаральной форме, которая легко поддается лечению. Но если болезнь не лечить, она может стать хронической. Тогда ле-

ГАСТРИТ У ДЕТЕЙ



чение будет длительным, а некоторые рекомендации врача придется соблюдать пожизненно для профилактики рецидивов заболевания.

В зависимости от причин развития болезни выделяют следующие типы хронического гастрита у детей:

Тип А – болезнь вызвана аутоиммунными процессами.

Тип В – заболевание развивается, когда слизистую желудка поражает бактерия *Helicobacter pylori* (Хеликобактерпилори). Такой гастрит называют НР-ассоциированным.

Тип АВ – смешанные причины.

Тип С – воспаление вызвано токсико-химическим поражением желудка.

По изменениям, вызываемым в слизистой желудка, выделяют следующие виды хронического гастрита:

поверхностный;

распространенный;

глубокий;

эрозивный.

Эти виды заболевания расположены в порядке увеличения глубины поражения обо-

лочки. При отсутствии лечения они переходят от одного к другому. А если не лечить гастрит на эрозивной стадии, развивается язвенная болезнь.

Воспаление желудка может протекать с увеличением или уменьшением синтеза соляной кислоты. В первом случае говорят о гиперацидном гастрите, при котором наблюдается чрезмерная кислотность пищеварительного сока. Во втором случае устанавливают гипоацидную форму болезни, при которой уровень кислотности содержимого желудка ниже нормы. Иногда воспалительный процесс протекает при сохранении нормального объема вырабатываемой соляной кислоты.

ПРИЧИНЫ ВОСПАЛЕНИЯ ЖЕЛУДКА

Гастрит может развиваться первично или вторично. В первом случае он возникает самостоятельно на фоне общего здоровья, во втором – его развитие провоцируют уже имеющиеся заболевания. Причины острого и хро-

нического гастрита различаются. Так, острое воспаление обычно вызывается раздражающими факторами. **Этому способствует:**

стресс;
переедание;
неправильное питание (преобладание в рационе грубой, очень горячей, кислой, пряной или острой пищи, фаст-фуда и газированных напитков);
гельминтозы и паразитозы

рий Хеликобактерпилори. В процессе ее жизнедеятельности вырабатываются токсические вещества, которые повреждают эпителий органа, вызывают воспаление, эрозивные и язвенные изменения слизистой.

Аутоиммунный гастрит развивается при выработке организмом антител к клеткам слизистой оболочки собственного желудка. В результате уменьшается кислотность желудочного сока, нарушается пищеварение.

Гастрит часто развивается на фоне других патологий желудочно-кишечного тракта и гепатобилиарной системы – панкреатита, гепатита, дуоденогастрального рефлюкса (когда содержимое 12-перстной кишки забрасывается в желудок). Воспаление может возникнуть на фоне пищевой формы аллергии. Иногда его провоцируют острые инфекции – туберкулез, дифтерия, грипп, корь, COVID-19.

СИМПТОМЫ И ПРИЗНАКИ ГАСТРИТА

Признаки воспаления желудка также зависят от формы, вида и типа болезни. Однако существуют общие симптомы гастрита у детей, **к которым относятся:**

тяжесть, дискомфортные ощущения в области эпигастрия;

боль в верхней части живота (может быть слабой и сильной, при прощупывании усиливается);

снижение или отсутствие аппетита;

изжога, которая усиливается при наклонах, физических нагрузках;

отрыжка с кислым или тухлым запахом (иногда вместе с едой);

нарушение переваривания пищи (она выходит не до конца переваренной);

метеоризм, нарушения стула;

тошнота, рвота;

бледность кожных покровов;

налет на языке (белый или серый);

симптомы гиповитаминоза, железодефицитной анемии, дефицита других минералов (при гастрите уменьшается всасываемость витаминно-минеральных веществ).

При остром гастрите симптомы у детей развиваются через 4–12 часов после того, как на желудок было оказано раздражающее воздействие. Обычно ребенка начинает беспокоить боль в верхней части живота, изжога, отрыжка, тошнота, повышенное слюноотделение или сухость во рту. Кожа бледнеет, пульс учащается, кровяное давление снижается. Обычно симптомы проходят в течение 2–5 суток.

При гастрите инфекци-

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

онной природы у ребенка развивается интоксикация – повышается температура тела, наблюдается многократная рвота с пищей, желчью, слизью. Отмечается вялость, слабость, развивается диарея, возможно обезвоживание. При флегмонозной форме температура тела повышается до 39–40 градусов, в рвотных массах присутствует гной.

Хронический гастрит протекает длительное время. В период обострения ребенка беспокоят боли в животе ноющего или тупого характера. Они усиливаются после еды. Наблюдается снижение аппетита, отрыжка, тошнота, неустойчивость стула. У ребенка часто снижается вес, кожа становится бледной. Возможно незначительное повышение температуры тела.

Внимание! Если воспаление имеет аллергическую природу, часто оно сочетается с отеком Квинке, высыпаниями на коже и зудом.

МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ БОЛЕЗНИ

Выявлением и лечением гастрита занимается врач гастроэнтеролог. При диагностике заболевания он использует следующие методы:

Сбор анамнеза. Врач задает вопросы. Он спрашивает о жалобах, времени появления симптомов, образе жизни, особенностях питания, имеющихся заболеваниях.

Осмотр. Врач прощупывает живот, чтобы определить локализацию боли, ее интенсивность. Также он оценивает цвет кожных покровов, измеряет артериальное давление.

Лабораторные исследования крови (общий и биохимический анализы). Показывают наличие вирусных, бактериальных или аллергических заболеваний. Позволяют судить о наличии железодефицитной анемии и снижении усвояемости пищи.

Анализ кала на скрытую кровь, яйца глист. Позволяет

выявить скрытые внутренние кровотечения, гельминтозы.

Аппаратные исследования – рентгенография, УЗИ, КТ или МРТ органов брюшной полости.

Фиброгастродуоденоскопия – эндоскопическое исследование верхних отделов пищеварительного тракта, включая желудок. Во время него

ческие методы исследования требуют проведения предварительной подготовки.

КАК ЛЕЧАТ ГАСТРИТ У ДЕТЕЙ

При остром гастрите у детей клинические рекомендации следующие:

*постельный режим;
8–12-часовое воздержание*

тацидного и спазмолитического действия);

проведение антибактериальной терапии (при инфекционной природе болезни).

В острый период болезни необходимо соблюдать специальную диету. Из рациона исключают грубую пищу, жареные, острые блюда, копчености, солености и маринады. При хроническом гастрите важно соблюдать диету постоянно, чтобы исключить разви-

ГАСТРИТ У ДЕТЕЙ



врач может провести биопсию – взять образец слизистой желудка для его гистологического исследования. Метод позволяет оценить состояние оболочки органа, определить наличие бактерии Хеликобактер пилори.

Измерение кислотности желудочного сока (рН-метрия). Обычно проводится одновременно с эндоскопическим осмотром желудка.

Аппаратные и эндоскопи-

*от приема пищи;
по показаниям – промывание желудка, очищение кишечника с помощью клизмы;
частое обильное питье (пить нужно небольшими глотками), при сильном обезвоживании – постановка капельницы;
устранение рвоты (врач назначает противорвотные препараты);
снятие болевого синдрома (врач подбирает средства ан-*

тие обострения. Принимать пищу нужно небольшими порциями, но часто (7–8 раз в день).

При гипоацидном гастрите ребенку рекомендуют за 10–20 минут до еды принимать раствор соляной кислоты с пепсином. Если кислотность желудка повышена, назначают препараты, которые нейтрализуют соляную кислоту или блокируют ее выработку.

ПРОФИЛАКТИКА ГАСТРИТА У ДЕТЕЙ

Предотвратить развитие гастрита помогают следующие меры:

*умеренное потребление пищи (не нужно передевать);
отказ от фаст-фуда, а также острых, кислых, жареных и копченых блюд (нужно хотя бы ограничить их потребление);*

*соблюдение принципов сбалансированного питания;
тщательное пережевывание пищи;*

включение в рацион каш, супов, бульонов, отварных и запеченных блюд;

переход на 3-4-разовое питание (допускается дополнительно 1–2 перекуса в день);

отказ от вредных привычек (курения, употребления алкоголя);

воздержание от приема пищи перед сном;

своевременное лечение инфекционных заболеваний, патологий ЖКТ.

Внимание! При хроническом гастрите ребенку необходимо посещать гастроэнтеролога 2 раза в год.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Гастрит – часто встречающееся у детей заболевание, которое обычно связано с погрешностями питания. Поэтому больше всего случаев болезни приходится на подростковый возраст – подростки часто предпочитают нормальным обедам перекусы, впервые пробуют алкоголь и сигареты.

При своевременном обращении к врачу острый гастрит легко выявляется и лечится. Но чтобы он не перешел в хроническую форму, необходимо нормализовать питание и исключить другие факторы, раздражающие стенки желудка.

Елена МИКАВА,
rebenok-clinik.ru

ФВБ ОГОХЛАНТИРАДИ

БОТУЛИЗМДАН САҚЛАНИНГ!

Ботулизм қўзғатувчиси табиатда кенг тарқалган таёқчасимон кўринишга эга бўлган анаэроб бактериялардир. Ботулизм таёқчаси тупрокда супора ҳосил қилган ҳолда узок вақт тирик сақланиши мумкин.

Бактериялар одам организмга санитария коидаларига тўлиқ амал қилинмасдан тайёрланган консерва маҳсулотлари, тупрок, чорва маҳсулотлари, мевасавзавот, дон, гўшт маҳсулотлари ва бошқалар орқали тушиши

мумкин. Кислородсиз шароитда бактериялар тез ривожланади ва кучли захар ажралади. Касаллик келишига қараб энгил, ўртача оғирликда ва оғир кўринишларга бўлинади. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 2-5 кун-

гача 18-24 соатни ташкил этади. Касаллик асосан ўткир белгилар, кўнгил айниши, қусиш, қорин оғриғи ва ич кетиши билан бошланади. Қусиш ва ич кетиш узок давом этмайди, кейинчалик ошқозон ичак тизимининг ишдан чиқиши натижасида ошқозонда тикилиш, оғирлик ҳисси қорин дамлиши, ич қотиб қолиши пайдо бўлади. Бу белгилар билан бирга ёки йўқолгандан кейин

кўришнинг ёмонлашуви, оғизнинг қуриши ва мускулларда бўшашиш кузатилади. Бемор кўзининг ёмон кўришидан ўқишга қийналишидан шикоят қилади, ютиниш ва гапиришга қийналади. Беморнинг юзи никобсимон тус олади. Кўз қовқлари осилиб, қорачиклари кенгайди, ёруғликни сезмайди. Бош оғрийди, тана ҳарорати меъёрида,

кам ҳолатларда озрок кўтарилади. Кун охирига келиб нафас юзаки бўлиб қолади, лекин сезиш тўлиқ сақланади. Томоқ-халқум шиллиқ пардаси қуруқ ва оч рангда бўлади.

Бемор аста секинлик билан узок вақт давомида тузалади. Беморда сўлак оқишининг пайдо бўлиши соғайишининг белгисидир. Секинлик билан кўриш яхшилана боради ва мускуллар ойлар давомида қучга қиради.

Ж. ЭГАМНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар, Миробод тумани ФВБП ва НБ мутахассиси, оддий аскар.



ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Маълумки, Бутунжаҳон Аутизм муаммоси ҳақида ахборот тарқатиш куни (World Autism Awareness Day) ҳар йили 2 апрелда нишонланади. Ушбу кун БМТ Бош Ассамблеясининг 2007 йил 18 декабрдаги қарори билан ташкил этилган бўлиб, унда аутизм касаллиги билан касалланган болалар кўплигидан хавотир билдирилган. АҚШ соғлиқни сақлаш маъмуриятининг маълумотиغا кўра, аутистик спектр бузилиши дунё бўйлаб 68 та боладан биттасида учрайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) аутизм билан касалланган болалар сони ҳар йили 13 фоизга кўпайиб бораётганини таъкидламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғ-

БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

лаётганлигини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, шифохонага ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган барча ташкилотларга ўз миннатдорлигини изҳор этди. Тадбир доирасида болалар кўл ишлари кўргазма савдосининг ташкил этилганлиги ҳам иштирокчиларга катта таассурот уйғотди. Айниқса, болажонларнинг ўзига хос дид билан ишлаган ва кўргазмага қўйилган кўл ишларини ҳамда улардаги



ликни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги “Болалар церебрал фалажи ва Аутизм спектри бузилишларида тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги буйруғи талабларидан келиб чиқиб, У. Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалхонаси ва “Авлод Барака” Республика нодавлат но-тижорат ташкилоти билан ҳамкорликда, 2021 йил январь ойидан бошлаб, аутистик спектр бузилиши (АСБ) ва бошқа ривожланишдаги бузилишлари бўлган болаларни реабилитация қилиш бўйича 30 ўринга эга ихтисослаштирилган бўлим ишга тушди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабрдаги 326-сонли “Аутистик спектри бузилишга чалинган болаларда хавф гуруҳла-

рини эрта аниқлашга қаратилган, скрининг ўтказиш тартиби тўғрисида”ги буйруғига асосан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туманларида скрининг текшируви тажриба тариқасида ишга туширилди. Куни кеча мазкур шифо масканига ташриф буюрганимизда, ушбу санага бағишлаб, ташкил этилган тадбирнинг гувоҳи бўлдик. Муассасага кириб борар эканмиз, унинг табиат манзараси ҳамда бўлимларда болажонларимиз учун яратилган кенг имкониятлар ва жамоа ходимларининг самимий ҳамда илиқ муносабатлари бизни бефарқ қолдирмади.

Мусиқа залига кирганимизда хонада қалбга хушқайфият бағишловчи мусиқа садолари ва кийимлар ўзига ярашиб турган, юзида табассум билан кувноқ кайфиятда турган болажонлар иштирокчилар эътиборини ўзига

тортди. Тадбир ўзгача шукуҳ билан бошланди. Жамоанинг суҳандони авваломбор, муассасада фаолият юритаётган ва болажонларга ўз меҳрини ҳада этаётган соҳа мутахассислари билан иштирокчиларини таништириб ўтди. Сўнгра болажонлар ўз устозлари билан биргалликда концерт дастурларини намойиш этишди. Бир сўз билан айтганда, даволанувчи болажонларимизнинг кўтаринки кайфияти ҳамда интилишлари барчамизни қувонтирди. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, тиббиёт муассасасидаги соғлом муҳитнинг барқарорлиги ўз самарасини бераётганлигига амин бўлдик. Тадбир якунида У. Қурбонов номидаги болалар руҳий-асаб касалхонаси бош шифокори Шоира Нурматова сўзга чиқиб, аввало, шифо масканининг фаолияти ва жамоа ходимларининг астойдил меҳнат ки-

истеъдод яъни махсус рассомлар ва хунармандларнинг ноёб муаллифлик асарларини кўриб, болажонлар ижодига бўлган хурматимиз янада ошди.

Ушбу шифо масканида мактаб ёшида даволанаётган болажонларга Болаларни кўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан кўргазмани ўқув-куроллари тақдим этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, болажонларимиз дардига даво айлаётган ва жамиятимизда ўз ўрнига эга бўлишида фидойиларча фаолият юритаётган жамоа ходимларининг машаққатли ва масъулиятли ишларига ривожлар тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

**O'zbekistonda
sog'liqni saqlash**

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Газета муассиси:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.

Электрон манзилими: www.uzssgz.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 720 дона.
Буюртма рақами Г-335.

Босмахонага
топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.